

Сийрат дарслари (23-дарс)



13:45 / 08.03.2019 4599

* * *

155. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир гуруҳ ашъарийлар билан келдим. Биз у зотдан улов беришларини сўрадик. Шунда у зот: **«Аллоҳга қасамки, сизларга улов беролмайман. Менда сизга берадиган улов йўқ»**, дедилар.

Кейин Аллоҳ хоҳлаганича кутдик. Сўнгра у зотга туялар келтирилди. Бизга ўрқачли учта оқ туя беришга амр қилдилар. Жўнаб кетаётиб бир-биримизга: «Аллоҳ бизга барака бермасин, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига улов беришларини сўраб келдик. У зот бизга улов бермасликка қасам ичдилар. Сўнгра бизга улов бердилар», дедик. Шунда у зотнинг ҳузурларига бориб, хабар беришди. Сўнг у зот: **«Сизларга мен улов берганим йўқ, Аллоҳ сизларга улов берди. Мен, Аллоҳга қасамки, иншоаллоҳ, бир нарсага қасам ичмайман. Мабодо ичсам ҳам ундан яхшисини кўриб қолсам, қасамимнинг каффоротини бераман ва ўша яхши ишни қиламан»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

156. Абу Масъуд Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Ансорийлардан Абу Шуъайб исмли одам бор эди. Унинг гўшт сотадиган ғуломи бор эди. У Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни кўрди ва юзларидан очликларини билди. У ғуломига: «Шўринг қурғур, бизга беш кишилик таом тайёрла, мен Набий соллаллоху алайҳи васалламни беш киши билан чақирмоқчиман», деди. Сўнг у (таом) тайёрлади. Сўнг Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, беш кишини чақирди. Уларга бир киши эргашиб келди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам эшик олдида етганларида: **«Мана бу бизга эргашиб келди. Истасанг, изн бер. Истамасанг, қайтиб кетади»**, дедилар». «Аmmo мен изн бераман, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

157. Абдурроҳман ибн Абу Лайлодан ривоят қилинади:

«Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари бизга айтиб беришди. Улар Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан юришганда бир киши ухлаб қолибди. Баъзилари унинг арқонини олиб қўйибди. У чўчиб кетибди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Мусулмон мусулмонни чўчитиши ҳалол эмас»**, дебдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

158. Абу Айюб Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам уникига тушдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам паст қаватга жойлашдилар. Абу Айюб тепада эди. Бир кеча Абу Айюб эслаб қолди. «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бошлари устида юрибмиз», деди. Улар бир тарафга ўтиб, четда тунашди. Сўнг Набий соллаллоху алайҳи васалламга айтди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Паст осонроқ»**, дедилар. «Сиз остида

бўлган шифтнинг устига чиқмайман», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам юқорига кўчдилар. Абу Айюб пастга тушди.

У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга таом тайёрлар эди. Унинг олдига ўша таом келтирилса, у зотнинг бармоқлари ўрнини сўрар ва у зотнинг бармоқлари изини излар эди. Бир куни саримсоқли таом тайёрлади. Унинг ҳузурига (таом) қайтариб келинганида у зотнинг бармоқлари ўрнини сўради. Унга: «емадилар», дейишди. У чўчиб кетди ва у зотнинг ҳузурларига кўтарилиб: «У ҳаромми?» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ. Лекин мен уни ёқтирмайман»**, дедилар. «Албатта, мен ҳам сиз ёқтирмаган нарсани ёқтирмайман» ёки «ёқтирмадим», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келиб турарди».

Муслим ривоят қилган.

* * *

159. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга кетаётган эдим. У зотнинг устларида ҳошияси йўфон нажроний бурда бор эди. Бир аъробий у зотнинг йўлларини тўсиб, ридоларидан ушлаб қаттиқ силтади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйинларининг орт томонида кийимнинг изи чиқиб қолди. Сўнгра у: «Эй Муҳаммад! Менга ҳам ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан берилишига амр қил!» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бурилиб, унга қараб кулдилар ва унга ато беришга амр қилдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан